

IX. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 34,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,7% ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 275,3 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 106,4% кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари

	2018 йил январь-март	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	34,1	120,7
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	34,1	120,7
Юк айланмаси, млн. тн-км	275,3	106,4
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	275,3	106,4

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-мартга нисбатан 102,1% кўпайди ва 122,0 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 44,3% ташкил этди (2017 йил январь-мартда 46,2%).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 152,5 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,8% кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 101,4% кўпайиб, 3873,6 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь-март	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	152,5	101,8
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	152,5	101,8
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	3873,6	101,4
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	3873,6	101,4

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-мартга нисбатан 101,9% кўпайди ва 3370,3 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 87,0% ташкил этди (2017 йил январь-мартда 86,6%).